

Шахло БЕГМАТОВА

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

Аннотация. Мақолада қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортишнинг хориж тажрибалари ва улардан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган. Мамлакатимизда исломий қимматли қоғозларни жорий этиш истиқболларининг солиқ масалалари тадқиқ этилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: қимматли қоғозлар турлари, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш. қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларда солиқ имтиёзлари.

FOREIGN EXPERIENCES OF TAXING TRANSACTIONS RELATED TO SECURITIES

Abstract. The article examines foreign experiences of taxation of transactions related to securities and the possibilities of their use in the Republic of Uzbekistan. The tax issues of the prospects for the introduction of Islamic securities in our country have been studied and recommendations have been developed.

Key words: types of securities, transactions with securities, taxation of transactions with securities, tax benefits for transactions with securities.

Кириш

Барча соҳада бўлгани каби, солиқ амалиётида ва айниқса, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш тизимида ҳам хорижий давлатларнинг бой ижобий тажрибаларини самарали ўзлаштириш масаласи ўта долзарб ҳисобланади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таъкидлари ўринлидир: «Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга»[1].

Мазкур жараёнда муҳим икки жиҳатга алоҳида урғу беришни лозим топдик: биринчидан, дунёнинг ҳеч бир мамлакатада бошқа мамлакатда ҳеч бир ўзгаришсиз қўллай олинadиган солиқ амалиёти самарали моделига оид тайёр ҳолдаги универсал қолип ёки рецепт мавжуд эмас; иккинчидан эса,

хориж тажрибаларини ўрганиш, у ёки бу вазиятда юзага келган мураккаблик ёки янги жорий этилаётган тадбирнинг оқибатларини баҳолай олиш имконини беради.

Жаҳон амалиётида қимматли қоғозлар бозори ривожланиши натижасида мазкур фаолиятнинг мамлакатлараро шакли оммалашиб, бир мамлакат тадбиркорлик субъектлари томонидан қимматли қоғозлар бозори орқали бошқа мамлакат истеъмолчиларига инвестиция киритиш оддий ҳолатга айланиб бормоқда, ушбу жараёнларни тартибга солиш, уларни солиққа тортиш механизмларини ишлаб чиқиш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар шаклида тадбиркорликни амалга ошираётган субъектларнинг даромадларини аниқлаш, уларни ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, иккиёқлама солиққа тортишни олдини олиш, унга нисбатан тўғри солиққа тортиш механизмларини ишлаб чиқиш ва мавжуд механизмларни такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилган. Бироқ, жаҳонда ушбу соҳанинг ривожланиш даражаси турли мамлакатларда турлича бўлганлиги, унга нисбатан қўлланилаётган солиққа тортиш механизмлари ушбу мамлакат даромадларини шакллантириш нуқтаи-назаридан ишлаб чиқилганлиги ва унинг турлича эканлигига доир масалалар ҳануз ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Инглиз иқтисодчиси Малькольм Джеймс солиқ тизимини, хусусан қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортишни ташкил қилишнинг иккита ёндашувини аниқлади:

- биринчиси, миллий ва халқаро қонунчилик доирасида эълон қилинган қоидаларга (солиқ тўловларини ҳисоблаш ва тўлаш бўйича батафсил кўрсатмалар) асосланади;

- иккинчиси солиққа тортиш тамойилларини фақат қонунчилик билан тартибга солишни назарда тутади[2].

Ушбу ёндашувларнинг қиёсий тавсифини ўрганар эканмиз, шуни таъкидлаймизки, ҳозирги вақтда уларнинг биринчиси устувор ҳисобланади.

Товарлар, ишлар ва хизматлар бозорларида замонавий ўзгаришлари шароитларига нисбатан солиққа тортишнинг трансформациялашуви вариантлари хорижий тадқиқотчилар - А.В. Бризгалин, Л.И. Гончаренко, Г.А. Горина, И.В. Горский, Р. Дорнбуш, Р. Дернберг, В.А. Кашин, И.В. Караваева, В.Г. Князев, Э.И. Куликова, В.Г. Пансков, С.Г. Пепеляев, И.А. Перонко, С.Ф. Сутырин, С. Фишер, Д.Г. Черник ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган.

О.Беломытцева ўз тадқиқот ишида қимматли қоғозлар бозорида хусусий инвесторлар учун солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашнинг методологик масалаларини ёритган [3].

С.Пробин ўз тадқиқот ишида биржа ва биржадан ташқари бозорларда қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш жараёнида фойда солиғи бўйича солиқ базасини шакллантириш усуллари ишлаб чиқиш қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларни солиққа тортиш механизмини янгилаш масалаларини тадқиқ этган [4].

А.Голояд томонидан қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортишнинг хориж тажрибалари тадқиқ қилинган бўлиб, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш тизимининг ривожланиш хусусиятлари, уларда қўлланилаётган самарали восита ва усуллар атрофлича ўрганилганлигини қайд этиб ўтиш мумкин [5].

Таҳлил ва натижалар

Махсус адабиётларни ўрганиш ҳозирги кунда жаҳон солиқ амалиётида солиққа тортиш тизимининг тўрт гуруҳи ва хорижий мамлакатлар солиқ тизимининг тўрт хил модели амал қилаётганлигини тасдиқлайди (1-жадвал).

1-жадвал

Жаҳон солиқ амалиётида солиққа тортиш тизими гуруҳлари ва хорижий мамлакатлар солиқ тизими моделларининг тавсифи [6]

Жаҳон солиқ амалиётида солиққа тортиш тизими гуруҳлари		
Солиққа тортиш тизими гуруҳи	Мазкур гуруҳга мансуб мамлакатлар	Солиқ тизими гуруҳининг хусусиятли белгиси
Англо-саксон солиқ тизими	АҚШ, Буюк Британия, Австралия	Тўғри солиқларнинг эгри солиқларга нисбатан устунлиги ва даромад солиғининг катта роль ўйнаши
Евроконтиненталь солиқ тизими	Европа мамлакатлари (Германия, Италия, Франция ва бошқалар)	Эгри солиқлар (ҚҚС бошчилигида)нинг тўғри солиқларга нисбатан устунлиги ва ижтимоий суғуртага ажратмалар ставкаларининг юқорилиги
Лотинамерика ча солиқ тизими	Аргентина, Боливия, Бразилия, Венесуэла, Гаити, Гватемала, Гондурас, Доминикан Республикаси, Колумбия, Коста-Рика, Куба, Мексика, Никарагуа, Панама, Парагвай, Перу, Сальвадор, Уругвай, Эквадор, Чили.	Эгри солиқлар тўғри солиқлардан устунлик қилади ва бюджет даромадларининг асосини ташкил этади. Мазкур тизим юқори инфляция даражаси шароитида самарали ҳисобланади.
Аралаш	Скандинавия давлатлари	Ушбу гуруҳ турли солиқ тизимларининг

Жаҳон солиқ амалиётида солиққа тортиш тизими гуруҳлари		
Солиққа тортиш тизими гуруҳи	Мазкур гуруҳга мансуб мамлакатлар	Солиқ тизими гуруҳининг хусусиятли белгиси
солиққа тортиш тизими	(Норвегия, Швеция, Дания, Финляндия), ривожланаётган мамлакатлар	белгиларини ўзида мужассам этиши мумкин. Скандинавия давлатларига хос иқтисодий тараққиёт моделида солиқ ставкаларининг юқори даражасини сақланиб қолсада, устувор иқтисодий йўналишларни солиқлар воситасида рағбатлантириш мақсадида солиқ чегирмаларидан кенг фойдаланилади. Ривожланаётган давлатларда солиқ имтиёзларига асосий урғу берилиб, иқтисодиётни ривожлантириш ва бу орқали кенгайган солиқ солинадиган базани шакллантириш натижасида солиқ тушумларининг ошишини назарда тутди.
Хорижий мамлакатлар солиқ тизими моделлари		
Солиқ тизими модели	Мазкур моделга мансуб мамлакатлар	Солиқ тизими моделининг хусусиятли белгиси
<i>Америка модели</i>	АҚШ	Мамлакатнинг солиқ тизими жуда катта бошқарув тизими ва ижрочилик аппаратида, шу жумладан 50 мингдан ортиқ мустақил ҳолда фаолият юритувчи хусусий солиқ маслаҳатчиларига эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради; мамлакат солиқ тизимида қатъий марказлаштиришнинг йўқлиги, мамлакат солиқ тизимининг 3 поғоналиги, яъни федерал, штат ва шаҳар солиқларининг мавжудлиги ва ҳар бир даражанинг тўлиқ мустақиллиги; ноқонуний даромад манбалари тўғрисида маълумот берувчи қўнгилли ахборотчилар тармоғининг мавжудлиги.
<i>Япония модели</i>	Япония	Молия, солиқ, банк, суғурта, божхона хизматлари ва шу каби давлат бюджетини сармояга тўлдирадиган тизимлар Япония Молия Вазирлиги назорати остида тартибга солинади; Японияда жуда юксак даражада ватанпарварлик руҳи, мамлакатга, давлат бошқарув органларига, вазирликларга, меҳнат бўлими битимини имзолаган компанияга, фирмага, муассасага содиқлик ҳисси мавжудлиги ва натижада кадрлар қўнимсизлигининг йўқлиги, шу жумладан солиқ органлари тизимида ҳам кузатилмайди.

Жаҳон солиқ амалиётида солиққа тортиш тизими гуруҳлари		
Солиққа тортиш тизими гуруҳи	Мазкур гуруҳга мансуб мамлакатлар	Солиқ тизими гуруҳининг хусусиятли белгиси
Европа модели	Европа мамлакатлари	Европадаги мамлакатлар ўртасида иқтисодий бирлашишга доимий интилиш мавжуд. Шунинг учун уларнинг иқтисодиётдаги айрим бошқарув тизимларини кўриб чиқадиган бўлсак, улар бир-бирига жуда яқин. Шу боисдан уларнинг солиқ тизими жаҳон амалиётида «Европача модел» деб юритилади; солиқ фаолиятининг унитар шакллари мавжуд бўлиб, бўларга ягона андозалар, ёндошувлар, талкин қилишлар, солиқ декларацияларининг шакллари, иш тамойилларини киритиш мумкин.
"Ностандарт" модел	Кичик ҳудудли ёки оролларда жойлашган давлатлар, эркин иқтисодий зонага эга (оффшор зонали) давлатлар ва қатор бошқа давлатлар (Кипр, Люксембург, Малдив ороллари)	Улар учун асосан турли солиқ имтиёзлари ва енгилликлари, «солиқ таътиллари» қўлланилади.

Қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операцияларни солиққа тортиш аксарият хорижий мамлакатлар солиқ тизимининг асосий элементларидан биридир. Ушбу мавзуга назарий жиҳатдан ҳам, амалда ҳам катта аҳамият берилганига қарамай, давлат органлари солиқнинг ушбу тури билан боғлиқ кўплаб муаммоларга дуч келишмоқда. Кўпгина ҳолларда, бу муаммоларнинг пайдо бўлишига молиявий бозорларда янги воситаларнинг юзага келиши ва эски молиявий воситаларнинг ривожланиши сабаб бўлмоқда. Турли хил таваккалчилик ва даромадлилик параметрларига эга бўлган ҳар хил молиявий воситаларнинг комбинацияси кўпинча давлат солиқ сиёсатига нисбатан муаммоларни келтириб чиқаради. Давлат ўз фуқароларининг фаровонлигини ва мамлакатдаги инвестиция фаоллигини ошириши мумкин бўлган янги молиявий воситалар пайдо бўлганда, давлат қимматли қоғозлар билан операцияларни солиқ имтиёзлари орқали инвесторларни мавжуд маблағларини янги воситаларга инвестиция қилишга ундашга ҳаракат қилади. Таъкидлаш жоизки, хорижий мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори асрлар давомида шаклланиб келди, қимматли қоғозлар бозори шаклланиганидан сўнг солиқ қонунчилиги шаклланиб, иқтисодий реалликнинг янги шароитларига мослаштирилди.

Аксарият мамлакатлар ўзини бозор иқтисодиёти шаклланган мамлакат сифатида эълон қила олмаган ва уларнинг ҳукумат органлари сармоя олиб кираётган мамлакатларга молиявий қарам бўлиб қолишдан қўрқиб, чет эл капиталининг кириб келишини салбий қабул қилган пайтдан бери бир неча ўн йилликлардан кўпроқ вақт ўтди. Вазиятнинг сезиларли ўзгаришлари 1970-йилларда бошланди, айнан шу даврда сиёсатчилар ва иқтисодчилар хорижий инвестициялар оқими миллий иқтисодиётнинг юқори ўсишини таъминлайдиган асосий омил эканлигини ва солиқлар ўз навбатида, чет эл капиталининг кириб келишига кучли таъсир этишини тушуниб етдилар. Солиққа тортиш бир неча турдаги солиқ тўловларидан иборат бўлиб, уларга: дивидендлар кўринишидаги даромадлардан олинадиган солиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ, фоизлар ва капитал ўсишидан олинадиган солиқ.

Сўнгги пайтларда жаҳон миқёсида халқаро солиқ рақобати тобора яққол намоён бўлмоқда, бу капитал ва ишчи кучининг бир мамлакатдан иккинчисига ўтиши, қонунчиликда бирмунча паст даражали солиқлар ва янада жозибадор солиқ имтиёзлари туфайли яққол сезилади. Шунга асосланиб, аксарият давлатлар ўз солиқ сиёсатини мамлакат миллий иқтисодиётига инвестиция киритиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирадилар.

Зеро, етарли капиталга эга бўлган йирик инвесторлар ер эгасидан фарқли равишда, одатда, давлат билан ҳеч қандай боғланиши шарт эмас ва шунинг учун улар ўз капиталини давлат олдида очик ҳолда ўз бизнесини юритиши мумкин бўлган мамлакатга ўтказди, улар ўз мол-мулкидан қўрқмасдан фойдаланишади ва шу билан бирга минимал солиқларни тўлайди, бу эса ўз навбатида уларнинг бюджетини сезиларли даражада тежайди.

Мутахассислар ўртасида солиқ рақобатининг мамлакат иқтисодиётига таъсири тўғрисида яқдил фикр мавжуд бўлмаса-да, ҳамма бир фикрга қўшилади: бундай рақобат турли мамлакатлар Ҳукуматларини солиқ сиёсатини яхшилашга ва солиқ юкини камайтиришга мажбур қилади. Масалан, 1975 йилда Европа Комиссияси Европа мамлакатларида минимал корпоратив солиқни 45% гача камайтириш тарафдори эди. Бу таклиф 1990-йиллар бошида корпоратив солиқнинг минимал ставкасини 30 фоизгача камайтиришга уриниш каби муваффақиятсизликка учради. Ҳозирги вақтда Европа Иттифоқида корпоратив солиқ ставкаси ўртача 30% ни ташкил қилади.

Энди, биз хорижий мамлакатларда қўлланиладиган қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларни солиққа тортишнинг умумий ёндашувини таҳлил қиламиз, шунингдек, айрим хусусиятлар ва мисолларни кўриб чиқамиз. Қимматли қоғозлар бозоридаги битимлар иштирокчиси қуйидаги операциялар натижасида даромад олиши мумкин: олди-сотди операциялари; қимматли

қоғозга эгалик қилиш: акциялардан дивидендлар, облигациялар, векселлар, жамғарма сертификатлари бўйича фоизлар; капитал қийматининг ўсиши.

Дунёнинг деярли барча мамлакатларида қимматли қоғозлар бозоридаги операциялар кўпроқ тўғридан-тўғри ёки билвосита тартибда солиққа тортилади. Бундай солиққа тортиш турли шаклларда, масалан, биржа солиғи, штамп йиғими ва бошқаларда мавжуд бўлишига қарамай, иқтисодий адабиётларда улар умумий ном - қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича солиқ билан бирлаштирилган. Қимматли қоғозлар билан операцияларга солиқ солиш ғояси атрофида жуда кўп мунозаралар мавжуд. Баъзи экспертларнинг таъкидлашича, бу молия бозорида барқарорликни оширади, молиявий инқирозларнинг олдини олишга ёрдам беради ва ортиқча савдолар ҳажмини камайтиради. Бундан ташқари, қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича солиққа тортишнинг мавжудлиги ва кенг қўллаб-қувватланишининг асосий ва ҳал қилувчи сабабларидан бири - солиққа тортишнинг мамлакат бюджетига солиқ тушумларини сезиларли даражада оширишидир. Зеро, қимматли қоғозлар бозорида ҳар куни амалга ошириладиган операциялар сони жуда кўп ва бутун дунё бўйлаб молиявий операциялар ҳажми товар ва хизматлар савдоси ҳажмидан ўнлаб марта кўпдир. Бошқа экспертларнинг фикрича, бундай солиққа тортиш мамлакатнинг инвестицион жозибдорлигини пасайтиради ва бунинг натижасида иқтисодиётга қўйилган маблағлар миқдори ҳам камаяди. Бу эса мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг секинлашишига олиб келади. Бироқ қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларни солиққа тортиш деярли барча ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилади.

АҚШда фонд бозорида қимматли қоғозлар билан тузилган деярли барча операциялар солиққа тортилади. Солиқ ставкаси 0,003%. Бу солиқ 1934-йилда қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади АҚШ молия бозорининг асосий тартибга солувчиси бўлган АҚШ қимматли қоғозлар ва биржалар комиссияси фаолияти билан боғлиқ харажатларни қоплашдан иборат эди. Аммо фонд бозорида амалга оширилган битимлар ҳажми шундай суръатларда ўсдики, 1998 йилда солиқдан тушган даромад тахминан 1,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, бу Комиссиянинг худди шу даврдаги харажатларидан деярли 5 баравар юқори.

Буюк Британияда “Молиявий хизматлар тўғрисида”ги қонун 1986-йилда қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича 0,5%ли штамп божини жорий қилди. Солиқ тўловчи қимматли қоғознинг харидори ҳисобланади. 1998–99 йилларда ушбу солиқдан тушумлар 2,1 миллиард фунт стерлингни ташкил этди. Қимматли қоғозлар бўйича операциялар бўйича солиқ Италияда ҳам қўлланилади, бу эрда у капитал операциялари учун 0,14% ва қарз

операциялари учун 0,16% ни ташкил қилади, Данияда эса акциядорлик операциялари учун солиқ ставкаси 0,5% ни ташкил этади.

Дунёнинг баъзи ривожланган мамлакатлари қимматли қоғозлар билан операцияларга солиқ солишни қўлламайди, масалан, Германия, Япония, Канада ва бошқалар. Қимматли қоғозларга эгалик қилишдан ва уларнинг нархини оширишдан олинadиган даромад солиғи барча ривожланган мамлакатлар солиқ тизимида мавжуд. Солиқ солиш жисмоний ва юридик шахслардан олинadиган даромад солиғи ва корпоратив солиқ орқали амалга оширилади. Баъзи мамлакатларда капитал ўсиши учун солиқ тўлаш керак. Бир қатор мамлакатларда эса мулк солиғи тўланadиган қимматли қоғозларнинг номинал қиймати солиққа тортиш объекти ҳисобланади.

Капиталдан олинувчи даромадларни солиққа тортиш категориясининг мазмуни одатда қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий активлар билан операциялардан олинadиган даромад солиғини белгилаш, ҳисоблаш ва тўлаш тартиби билан боғлиқ муносабатлар мажмуи сифатида тушунилади. Капиталдан олинadиган даромад деганда инвестор томонидан аввалроқ мамлакатнинг молиявий активларига қилинган инвестицияларнинг қайтими тушунилади. Ривожланган мамлакатларда капиталдан олинadиган даромадга солиқ солиш ушбу капиталдан даромад оладиган шахс турига боғлиқ: юридик шахсларга корпоратив солиқ қўлланилади, жисмоний шахслар даромад солиғини тўлайди.

Фоишлар ва дивидендлар кўринишидаги даромадлари бошқа даромадлар, масалан, иш ҳақи каби солиққа тортилади. Икки томонлама иқтисодий солиққа тортиш муаммоси мавжуд бўлганлиги сабабли, дивидендларни солиққа тортиш мавзусида мутахассислар ўртасида кўплаб мунозаралар мавжуд. Инвестор инвестициядан фойда олиши учун компания биринчи навбатда корпоратив солиқни тўлайди, сўнгра солиқ агенти сифатида тўланган дивидендлар бўйича ҳам солиқ тўлайди ва шундан кейингина инвестор даромад олади. Бундай фойда олиш жараёни стратегик инвесторларни хурсанд қила олмайди.

Дания, Италия, Белгия, Корея ва бошқалар каби кўпгина мамлакатлар дивидендларни солиққа тортиш учун стандарт даромад солиғи ставкасига нисбатан пастроқ ставкани қўллайди. Шундай қилиб, бу мамлакатлар дивидендларга икки томонлама солиқ солишни юмшатади. Люксембург ва Германия жисмоний шахслар учун имтиёзли солиққа тортишни таъминлайди, мазкур имтиёз дивидендлар миқдори ярмининг солиқдан озод қилинишида намоён бўлади. Масалан, ишлайдиган шахс иш ҳақига қўшимча равишда акциядорлик жамияти улушидаги иштирокидан 10 пул бирлиги миқдорида дивидендлар олади, 5 бирлик солиққа тортилади, қолган 5 бирлик эса

солиқдан озод қилинади. Гретсияда жисмоний шахслар миллий компаниялардан олинган дивидендлар бўйича солиқ тўлашдан бутунлай озод қилинган.

Шунингдек, бошқа мамлакатларда дивидендларни икки томонлама солиққа тортишни энгиллаштирадиган яна бир имтиёз мавжуд. Ушбу имтиёз жисмоний шахсларга солиқ кредитини тақдим этади, унинг ёрдамида солиқ тўловчи корпоратив солиқни тўлиқ ёки қисман тўлаши мумкин. Корпоратив солиқни қисман тўлаш учун солиқ имтиёзини тақдим этадиган мамлакатларга Франция, Буюк Британия ва Канада киради. Тўлиқ тўлов Финляндия, Мексика, Австралия ва Янги Зеландияда тақдим этилади. Фоиз даромадлари, шунингдек, активлар қийматининг ўсишидан олинadиган даромад солиғини тўлашда кўплаб мамлакатлар манбадан солиқни ушлаб қолиш амалиётини қўллайди. Айрим мамлакатларда акциядорларга дивидендлар тўлашда ҳам худди шундай амалиёт кузатилади, масалан, Швецияда, Белгия, Франция, Япония ва Италияда солиқ тўловчи солиқ тўлаш усулини танлаш ҳуқуқига эга.

Даромадни тўлаш манбаи солиқ агентининг функсияларидан бири ҳисобланади, шу боис у даромадни тўлашда нафақат солиқни ушлаб қолади, балки уни ҳисоблаб чиқади ва мамлакат бюджетига ўтказди. Солиқ агенти томонидан солиқни ҳисоблаш, ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказишнинг маъноси, биринчидан, пулнинг мамлакат ғазнасига тезроқ тушиши билан, иккинчидан, мамлакат ҳукумати томонидан кўпинча солиқ тўловчи томонидан солиқни тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик хавфини оширадиган ушбу даромадларни назорат қилиш жуда қийинлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, солиқ тўловчининг ўзи учун даромаднинг ушбу турини декларациялаш ҳам қийин бўлиши мумкин, айниқса у мамлакат резиденти бўлмаса.

Давлат қонунлари, уларга киритилadиган ўзгартишлари ва норматив актлар одатда солиқ агенти томонидан солиқни капиталдан олинadиган даромадининг махсус тури ёки жисмоний шахс даромад солиғи сифатида солиқни қандай ушлаб қолиш усулини белгилайди. Жамғарма ва омонатлар кўринишидаги даромадлардан олинadиган солиқ тўғрисидаги Директив Европа Иттифоқида кўп йиллар давомида амал қилмоқда, у ерда қимматли қоғозлар бўйича операцияларни солиққа тортиш тизими ҳам такомиллаштирилган. Директив мамлакатлар ўртасида солиққа тортишга оид маълумотлар алмашинувини ҳам назарда тутди.

Баъзи давлатлар одатдаги жисмоний шахслар даромад солиғи билан бир қаторда капиталнинг ўсишига солиқни ҳам қўллайдилар, бошқалари эса жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқ базасига капитал ўсишини ҳам киритадилар. Бельгия, Болгария ва Швейцарияда бу турдаги даромадлар

умуман солиққа тортилмайди. Куйида биз Буюк Британия, Италия ва Нидерландиядаги қимматли қоғозлар бозоридаги операциялардан олинадиган даромад солиғи ва капиталдан олинадиган даромадларга солиқ солишни кўриб чиқамиз.

Буюк Британиянинг қимматли қоғозлар бозорида савдо қилувчи жисмоний шахслар учун активларнинг ўсишидан олинган даромад 5 апрелда тугайдиган солиқ даври учун солиққа тортилади. Солиқ базаси сифатида даромадлардан харажатлар чегириб ташланган фойда майдонга чиқади. Жисмоний шахслар учун 7100 фунт стерлинг миқдоридаги солиқ чегирмаси ҳам мавжуд, я'ни солиқ тўловчининг фойдаси ушбу суммадан кам ёки унга тенг бўлса, улар солиқ тўлашдан озод қилинади. Солиқ ставкаси инвесторнинг капитални ушлаб туриш муддатига боғлиқ. Агар солиқ тўловчи миллий компаниянинг акцияларига 10 йил ва ундан кўпроқ вақт давомида эгалик қилган бўлса, у ҳолда акцияларнинг ўсишидан олинадиган даромадга солиқ ставкаси нолга тенг бўлади. Агар қимматбаҳо активларни янги эгасига ўтказиш оила аъзолари ўртасида содир бўлса, ушбу ҳолатда ҳам мазкур даромад солиққа тортилмайди. Агар қимматли қоғозлар Индивидуал жамғарма (омонат) ҳисоб-рақамлари Миллий дастури орқали сотиб олинган бўлса, у ҳолда ушбу қимматли қоғозларга эгалик қилиш ёки сотиш натижасида олинган даромад имтиёзли ставка бўйича солиққа тортилади.

Агар компаниянинг акциялари қиймати солиқ даврида ўсган бўлса, ушбу даромад компания томонидан олинган даромад сифатида қаралади ва корпоратив солиққа тортилади. Юридик шахслар, жисмоний шахслардан фарқли ўлароқ, капиталнинг ўсишидан олинадиган даромадлардан солиқ бўйича имтиёзли солиқ ставкаларига эга эмаслар. Лекин улар ойлик харажатларида давлат томонидан белгиланадиган инфляция индексини ҳисобга олишга ҳақли. Резидент ҳисобланган жисмоний шахслар учун қонунда компаниянинг 5% дан ортиқ улушига эгалик қилувчи ва компания активларининг бозор қиймати ўсиши орқали даромад оладиган ҳар бир солиқ тўловчи ўз активлари (мулки)ни сотган тақдирда даромад солиғининг тўлиқ миқдорини тўлаши шарт эканлиги тартиби белгиланган.

Буюк Британияда манбалардан даромад оладиган норезидент жисмоний шахслар учун 20% миқдоридаги ягона солиқ ставкаси кўзда тутилган. Солиқ бу ҳолда солиқ агенти томонидан ҳисоблаб чиқилади ва ушлаб қолинади.

Италияда активларнинг қимматлашиши, облигациялар бўйича фоизларни тўлаш, валюта конвертатсияси ва қимматли қоғозлар бозори шартномаларидан келиб чиқадиган даромад солиғи ставкаси солиқ тўловчининг Италия солиқ резиденти эканлигига боғлиқ бўлади. Агар мамлакатнинг солиқ резиденти - жисмоний шахс бўлса, солиқ тўловчи

солиқни жисмоний шахслар учун даромад солиғи умумий қоидалари асосида тўлайди. Мамлакат норезидентлари учун мазкур солиқ солиқ агенти томонидан олинган даромаднинг 12,5% миқдорида ушлаб қолинади ва агар норезидент солиқ тўловчи компанияда катта улушга эга бўлса ва ўз улушини сотишда у фойда қилган бўлса, солиқ агенти ушбу даромаддан 27% ставкада солиқ ушлаб қолади.

Агар солиқ тўловчи қимматли қоғозларга воситачилар орқали эга бўлса, у ўзининг даромади воситачи томонидан ўтказиб берилаётганда мазкур даромаддан 12,5% ставкада солиқни ушлаб қолишни талаб этиш ҳуқуқига эга, воситачи эса кимдан солиқни ушлаб қолгани ва кимга даромад ўтказганлигини ошкор қилишга ҳақли эмас. Шундай қилиб, солиқ тўловчи мамлакат Ҳукумати олдида тўлиқ махфийликка эга, я'ни унинг учун солиқ декларациясини топширишда бу даромадларни ошкор қилиш шарт эмас. Бундан ташқари, солиқ тўловчи ўз инвестиция фаолиятини Италияда жойлашган барча активларни назорат қилувчи ва солиқ тўловчига ҳисобот берадиган ваколатли шахс орқали ҳам амалга ошириши мумкин. Ваколатли шахснинг ўзи солиқ тўловчининг олинган даромадлари бўйича солиқни ҳисоблаб чиқади ва уни бюджетга ўтказади, шу билан бирга солиқ тўловчининг мамлакат Ҳукуматлари олдида тўлиқ махфийлигига ҳам риоя этилади.

Мамлакатнинг солиқ резидентлари бўлган юридик шахслар учун қимматли қоғозлар билан операциялардан олинган даромадлар 37% ли ставкада корпоратив солиққа тортилади. Агар компания акцияларнинг назорат пакетини ёки 10% дан ортиқ очик акциялар улушини сотса, солиқ тўловчи ставкани 27% гача камайтиришга ҳақли. Агар Италияда солиқ резиденти бўлмаган ва мамлакатда доимий ваколатхонасига эга бўлган юридик шахс ўз активларининг бозор қийматининг ўсишидан даромад олса, у ҳолда ушбу даромаддан даромад солиғи мамлакатнинг солиқ резидентлари билан бир хил шартларда корпоратив солиққа тортилади. Агар компаниянинг Италияда доимий муассасаси бўлмаса, лекин Италия ҳудудидаги манбалардан даромадга эга бўлса, у ҳолда ушбу даромадлар даромад манбаидан олинган даромад сифатида 27% ставкада солиққа тортилади. Агар компания ўз акцияларини биржада бирламчи жойлаштиришни амалга оширса, у ҳолда бу операцияни амалга ошириш учун юридик шахслар солиққа тортилмайди, унинг ўрнига акцияларни биржада жойлаштириш суммасининг 1 фоизи миқдорида рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланади. Облигациялар, фьючерслар ва бошқалар каби қимматли қоғозларни чиқариш учун 200 евро миқдорида қатъий тўлов олинади.

Нидерландияда облигациялар, жамғарма сертификатлари ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича фоизлар, шунингдек дивидендлар шаклида олинган даромадлар солиқ тўловчининг умумий даромад солиғи базасига киритилади. Резидентнинг ўз улушини сотиши ҳам даромад солиғи базасига киритилади. Йил якунлари бўйича солиқ тўловчи солиқ декларациясини топшириши ва солиқ тўлаши керак. Солиқ ставкаси олинган даромад миқдорига боғлиқ бўлади ва унинг даражаси 25% дан бошланади ва 60% билан тугайди. Агар резидент жамият акцияларининг 5% дан ортиғига эгалик қилса, у ҳолда унинг компаниядаги улушини сотишдан олинган даромадга 25% ставкаси бўйича солиқ солинади. Жисмоний шахслар учун ҳар бир оила аъзоси учун 500 евро миқдорида солиқ чегирмалари тақдим этилади. Экологик купон облигациялари бўйича олинган фоизли даромадлар солиққа тортилмайди.

Нидерландия норезидентлари учун бирмунча аниқ тартибдаги солиққа тортиш тизими кўзда тутилган. Шундай қилиб, агар норезидент Нидерландия ҳудудидан дивидендлар олса, унинг даромадидан 25%ли ставкада солиқ ушлаб қолинади. Солиқни ҳисоблаш, ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш солиқ агенти томонидан амалга оширилади. Компаниялардаги ўз улушларини сотишда норезидентлар, агар уларнинг улуши 5% дан кам бўлса, солиқ тўлашдан озод қилинади.


Юридик шахслар дивидендлар, фоизли даромадлар ва компания активларининг бозор қийматини оширишдан олинган даромадларни корпоратив солиқ базасига киритадилар. Агар даромад солиқ тўловчининг фоизлари 5% дан ортиқ бўлган компаниядан олинган бўлса, у ҳолда компания дивидендлар кўринишилани даромадлардан корпоратив солиқни тўлашдан озод қилиниши мумкин. Агар дивиденд тўлаш манбаи Европа Иттифоқи давлатларидан бири бўлса, у ҳолда компания солиқни ушлаб қолишдан ҳам озод қилиниши мумкин. Бундай чорани қўллаш компаниялар Европа Иттифоқи Кенгаши директивасининг бош ва шўъба компанияларга нисбатан қўйган барча талабларига жавоб бера олишига боғлиқ.

Компания акцияларини қимматли қоғозлар биржасига жойлаштириш учун жойлаштириш суммасининг 1% и миқдорида бож йиғими олинади. Облигациялар каби қарз қимматли қоғозларининг эмиссияси (муомалага чиқарилиши) солиққа тортилмайди.

Аҳолисининг асосий қисми мусулмон бўлмаган АҚШ, Буюк Британия, Люксембург, Германия, Япония ва Франция каби иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларда исломий қимматли қоғоз - сукуқ эмиссия қилинаётганлиги унинг аҳамияти ортиб бораётганини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, мазкур исломий қимматли қоғозни анъанавий молия бозорларида ҳам жорий этиш мумкинлигидан далолат беради.

Сукук банклардан, инвестиция фондлари ва суғурта компаниялари сингари институционал инвесторлар учун ликвидликни таъминлашнинг қулай воситаларидан бири сифатида фойдаланилмоқда.

2023 йилга қадар жами 1,98 трлн. АҚШ доллардан ортиқ сукук эмиссия қилинган [7]. 2023 йилга қадар амалга оширилган жаҳондаги жами сукук эмиссиясининг 60,8 % и Малайзия ҳиссасига тўғри келади (1-расм).



2-расм. Айрим мамлакатлардаги сукук эмиссияси ҳажми (2001-2023 йиллар, млрд. АҚШ доллар) [8].

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, сукуклар эмиссиясининг ортиб бориши иқтисодиётнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Бизнинг фикримизча, сукуклар эмиссиялари иқтисодиётга қуйидаги омиллар туфайли ижобий таъсир қилади: Биринчидан, Шариат нуқтаи назаридан рибо ва майсир сингари омиллар мавжудлиги сабаб анъанавий облигацияларга инвестиция қила олмаётган мусулмонлар жамғармасидан самарали фойдаланилади. Иккинчидан, инвестиция портфелини диверсификациялаш орқали риск даражасини пасайтириш учун қулай восита ҳисобланади. Учинчидан, рискни бўлишиш тамойили эмитентни кўпроқ инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга ундайди. Тўртинчидан, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши молиявий секторлар ўртасидаги рақобатни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон фонд бозорига сукукларни жорий қилишда Малайзия тажрибасидан, сукук тушунчаси ва фаолиятига оид методологик жиҳатлари Исломий молиявий муассасалар учун бухгалтерия ва аудит ташкилоти (AAOIFI)нинг 17-стандарти ҳамда Ислом тараққиёт банки ва Исломий молиявий муассасалар учун бухгалтерия ва аудит ташкилотининг техник кўмакларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса

1. Аксарият мамлакатлар қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларни солиққа тортиш масаласига алоҳида аҳамият берадилар ва ўз капиталини жойлаштириш учун мамлакатни танлашнинг асосий мезонларидан бири ундаги мавжуд солиқ режимидир. Умуман олганда, мамлакатларнинг солиққа тортиш объектлари ўхшашдир. Асосий фарқлар солиқ ставкаларининг даражалари, солиққа тортиш тартиби, шунингдек, солиқ имтиёзлари ва чегирмалар кўринишидаги инвесторлар учун берилажак преференциялардадир. Ҳар йили аҳолининг бўш пул маблағлари (капитали)ни ўз мамлакати иқтисодиётига жалб қилиш учун солиқ қонунчилигига ўзгартиришлар киритилади. Шу боис, ишонч билан айтишимиз мумкинки, бундан буён ҳам барча давлатлар ўртасида солиқ рақобати янада кучаяди ва бу орада солиқ тизимлари такомиллаштирилади.

2. Ўзбекистонда кейинги йилларда ислом молияси, хусусан, сукукларга қизиқиш ортиб бораётгани сезилса-да, бу турдаги исломий қимматли қоғозлар амалиётга жорий этилмаган. Ушбу турдаги қимматли қоғоз барча тоифадаги инвесторлар учун капитал бозорининг қулайлигини ошириш ва банк томонидан кредитлаш ҳамда анъанавий облигацияларнинг самарали муқобил механизмини яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

3. Ўзбекистон норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг жорий ҳолатини тадқиқ этиш Ўзбекистонда сукук инструментини жорий этиш ва самарали

фойдаланиш учун қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш заруратини кўрсатди. Шунга кўра, бу молиявий инструментни Ўзбекистон фонд бозорига муваффақиятли ва самарали жорий этишда қонунчилик, кадрлар масаласи ва шариат кенгаши кабиларни ўз ичига олувчи комплекс ёндашувга асосланган стратегия ишлаб чиқиб, бир неча босқичларда амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “2017 йил - шиддатли ислохотлар йили”. Т.: Адолат, 2018 . – 96 б.
2. Malcolm J. Humpty Dumpty's guide to tax law: Rules, principles and certainty in taxation // Critical Perspectives on Accounting. 2010. Vol. 21. Is. 7. P.573-583.
<https://doi.org/10.1016/>
3. Беломытцева О.С. Оценка эффективности налоговых льгот для частных инвесторов на рынке ценных бумаг: методология и инструментарий. Авт.дисс.на соиск.уч.степ.д.э.н. Новосибирск: 2022. - 57с.
4. Пробин П.С. Механизм налогообложения операций на рынке ценных бумаг и их совершенствование. Авт.дисс.на соиск.уч.степ.к.э.н. М.: 2011.- 26 с.
5. Голояд А.Н. Зарубежнқй опыт налогообложения операций с ценными бумагами// Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2017. – № 6-2. – С. 304-308.
6. Crus A. M.Fundamentals of Taxation. McGrau-Education, 2017. – p.210 (800p.); Кретьова Н.В.,Мокрецова О.И. Налоговая система зарубежных стран. Уч.пос. Иркутск, ИрГУПС, 2012.-с.212
7. Sukuk report: A comprehensive study of the global sukuk market. International Islamic Financial Market, July2024, 8th edition.p.21
8. Sukuk report: A comprehensive study of the global sukuk market. International Islamic Financial Market, July2024, 8th edition.pp59-60.